

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАМАЛОВА ШИРИН АБДУМУРАТОВНА**

**ҚАНД КАСАЛЛИГИДА КЎРЛАНИШ НАТИЖАСИДА**  
**НОГИРОНЛАНИШ: ҲОЗИРГИ АҲВОЛ, ТИББИЙ ЁРДАМНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАРНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**  
**14.00.08 – Офтальмология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation abstract**

**Джамалова Ширин Абдумуратовна**

Қанд касаллигида кўрланиш натижасида ногиронланиш: ҳозирги аҳвол, тиббий ёрдамни ташкил этиш ва профилактик чораларни такомиллаштириш ..... 3

**Джамалова Ширин Абдумуратовна**

Инвалидизация по зрению при сахарном диабете: состояние, организация медицинской помощи, пути профилактики..... 29

**Djamalova Shirin Abdumuratovna**

Invalidation due to eye sight in diabetes melitus: condition, organization of medical service, ways of prevention ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publication works..... 59

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАМАЛОВА ШИРИН АБДУМУРАТОВНА**

**ҚАНД КАСАЛЛИГИДА КЎРЛАНИШ НАТИЖАСИДА**  
**НОГИРОНЛАНИШ: ҲОЗИРГИ АҲВОЛ, ТИББИЙ ЁРДАМНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАРНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**  
**14.00.08 – Офтальмология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Tib119 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tipme.uz](http://www.tipme.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Искандарова Шахноза Тўлқиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Набиев Абдували Мирзалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупалиев Баходир Қахрамонович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Камилов Холиджон Маҳмаджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бекбаулиева Гулистон Ниетбаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz); Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мажлислар зали.

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлар номзоди, доцент

**Д.А. Асадов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда аҳолининг турли қатламлари орасида қандли диабет касаллиги кун сайин ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра бугунги кунда дунё бўйича 177 миллион киши қандли диабет (ҚД) билан хасталанган, Халқаро диабет федерацияси (IDF) башоратларига кўра 2-типтаги ҚД билан хасталанган беморлар сони 2030 йилга келиб 552 млн гача кўпайиши мумкин. Кўз тўр пардасининг диабетик зарарланиши, диабетик ретинопатия (ДР) ва унинг асоратлари – ривожланган мамлакатлар аҳолиси орасида учрайдиган кўрликнинг асосий сабаби бўлиб, бугунги кунда 10–20% ни ташкил этади. I тур ҚДда касаллик ташхисланганда ДР борлиги камдан-кам аниқланади, лекин касаллик давомийлиги 20 йил ва ундан кўпроқ бўлганда ушбу асорат 85% дан кўпроқ беморларда қайд этилади. ҚД II тури ташхисланганда ДР асорати беморларнинг 30% ида учрайди, касаллик бошланишидан 20 йил ўтганда ДР мавжудлиги беморларнинг 50% ида аниқланади.<sup>1</sup>

Жаҳонда қанд касаллигида кўриш тизими фаолиятининг пасайиши, кўрланиш, ногиронликни ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Қанд касаллигини эрта аниқлаш ва ташхислаш самарадорлигини оширишга қаратилган тиббий тизимни ташкиллаштириш; кўришнинг ёмонлашиши, тўлиқ кўрлик ва уларга боғлиқ ногиронлик профилактикаси, даволаш ва эрта аниқлашнинг самарали патогенетик усуллари ишлаб чиқиш; беморларда ҚДнинг турли кўринишлари, жумладан, диабетнинг офтальмологик асоратлари, унинг самарадорлиги ошиши, диабетик ретинопатия натижасида кўриш функцияларининг бузилиши билан беморлар реабилитациясини тизимли ташкил этиш; соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинлари (ССББ) муассасаларига жойлаштириш; касаллик натижасида келиб чиқадиган ногиронликнинг олдини олиш моделини яратиш; диабетик ретинопатия сабабли келиб чиқадиган ногиронлик ва ўлим оқибатларининг давлатга ҳамда жамиятга келтирадиган иқтисодий зарарлари олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини такомиллаштириш; диабетик ретинопатия натижасида келиб чиқадиган кўрликнинг олдини олишга қартилган замонавий дори воситалари ва жарроҳлик усуллари самарадорлигини асослаш ва бемор учун хавфсизлигини аниқлаш; касалликни даволаш тактикасини оптималлаштириш; диабетик ретинопатияни кимёвий дори воситалари билан даволаш тизими асоратларини камайтириш ва самарадорлигини ошириш жараёнини татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Балашевич Л.И., Измайлов А.С., 2012; Медведев И.Б. и др., 2015; Klein R. et al., 2008; Massin P. et al., 2010

Республикамизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларни профилактикалаш ва барвақт аниқлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «...аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, қанд касаллиги оқибатида юзага келадиган кўрликни ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш»<sup>2</sup> аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>3</sup>

Қандли диабет касаллиги натижасида келиб чиқадиган ногиронлик ва кўрликда тиббий ёрдамни ташкил этиш ва профилактик чораларни такомиллаштиришдаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Department of Medicine, Section of Endocrinology, Nutrition, and Diabetes, Boston University Medical Center, Boston, (АҚШ); Robert Koch Institute (Германия); Institute for Quality and Efficiency in Health Care: Germany (Германия); National Institute for Health and Welfare (Финляндия); Department of Medicine, University of Calgary, Calgary, (Канада); Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербург дипломдан кейинги тиббиёт академияси (РФ), Ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази, ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

<sup>2</sup>2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.bu.edu](http://www.bu.edu), [www.nih.gov](http://www.nih.gov), [www.uofa.edu](http://www.uofa.edu), [www.duke.edu](http://www.duke.edu), [www.rki.de](http://www.rki.de), [www.iqwig.de](http://www.iqwig.de), [www.thl.fi](http://www.thl.fi), [www.ucalgary.ca](http://www.ucalgary.ca), [www.sdu.dk](http://www.sdu.dk), [www.ku.dk](http://www.ku.dk), [www.nauss.edu.sa](http://www.nauss.edu.sa), [www.endo.cz](http://www.endo.cz), [www.uni-duesseldorf.de](http://www.uni-duesseldorf.de), [www.ucr.ac.cr](http://www.ucr.ac.cr), [www.icmr.nic.in](http://www.icmr.nic.in), [www.nus.edu.sg](http://www.nus.edu.sg), [www.old.lmsmu.ru](http://www.old.lmsmu.ru), [www.eyecenter.uz](http://www.eyecenter.uz), [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz), [www.tipme.uz](http://www.tipme.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Мазкур касалликда тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган изланишлар натижасида соғлиқни сақлаш тизимининг сифати ва самарадорлигини ҳам клиник, ҳам иқтисодий жиҳатидан баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилди (Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany); ундан ташқари National Institute of Health, National Institute of Eye (АҚШ)ларда бажарилган халқаро кўпмарказли изланишлар DRS (Diabetic Retinopathy Study Research Group), FIELD (The Fenofibrate Intervention and Event Lowering in Diabetes Trial ва б.) жараёнида артериал қон босим ошиши даражасига, гликемия юқориликка, ҳамда фенофибратлар билан даволашнинг самарадорлигига ва панретинал коагуляция натижадорлигига боғлиқ бўлган кўзлардаги офтальмологик асоратлар ривожланиш ва авж олиш хавфининг алоқадорлиги аниқланди.

Сўнгги бир неча йиллар мобайнида нашр этилган адабиётларда шу даврда бажарилган ташхислаш ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва такомиллаштириш; соғлиқни сақлаш муассасалари тиббий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, хусусан, Европанинг 12 мамлакатида – EuroDRG (Diagnosis-Related Groups in Europe) томонидан битта ташхисга боғлиқ гуруҳларда бажарилган тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Айни пайтда яна қатор тадқиқотлар, хусусан, ДРнинг эпидемиологик жиҳатларига боғлиқ 25 йиллик изланиш натижаларига асосланган Wisconsin Epidemiologic Study of Diabetic Retinopathy (WESDR, Department of Ophthalmology and Visual Sciences, University of Wisconsin School of Medicine and Public Health, Madison, Wisconsin (АҚШ) ҳамда ДРнинг олдини олиш мақсадида статнлар ва фибратларнинг қўшма қўллаш самарадорлигини баҳолаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда (ACCORD-EYE (Action to Control Cardiovascular Risk in Diabetes, National Institute of Health, National Institute of Eye (АҚШ)). .

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда хорижий давлатларда қандли диабетнинг энг кўп учрайдиган ва жиддий асоратларидан бири диабетик офтальмопатиялардир. Улардан энг хавфлиси ДР бўлиб, инсулинга боғлиқ ҚД (1-тур)да ҳам, инсулинга боғлиқ бўлмаган ҚД (2-тур)да ҳам кўрлик ва кўриш қобилияти сустлашишининг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади (Klein R. et al., 2008, Massin P. et al., 2010, Kohner EM.,1991, Rangasamy S., McGuire P. G., Das A., 2012). Адабиётлардаги маълумотларга кўра кўрлик ҚД билан касалланган беморларда бошқа диабетсиз беморларга қараганда 25 марта кўп ривожланади, бундай беморларнинг 5–10 фоизи 20 йилдан сўнг бутунлай кўр бўлиб қолади. ДРнинг ривожланиши диабет қанча вақтдан бери давом этаётганлигига боғлиқ. Ретинопатия бир йилда 5% дан 8% гача юксалиб боради, 50–90% беморларда ДР 20 йиллик даврда ривожланиши мумкин (Балашевич Л.И., Измайлов А.С., 2012; Медведев И.Б. ва бошқ., 2015; Klein R. et al., 2008, Massin P. et al., 2010, Rangasamy S., McGuire P. G., Das A, 2012.).

Мамлакатимизда бажарилган қатор тадқиқотларда (Шагазатова Б.Х., 2004; Бахритдинова Ф.А. ва бошқ., 2014; Бердикулова Д.М., 2012; Исмаилов С.И., 2012; Камиллов Х.М. ва бошқ., 2008; Норматова Н.М., Ибрагимова Н.Ш., 2014; Каримова М.Х., Рузимова Н.Э., 2014) тақдим этилган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, ҚДли беморларнинг ногиронлик гуруҳлари бўйича тақсимланиши қуйидагича: I – 17,0; II – 70,6; III – 10,6. Бунда ногиронликка олиб келган асосий сабаблардан бири (ногиронликнинг 50% дан ортиғини ташкил қиладиган ҚДдан кейин) ДР эди (7,0 фоизни ташкил қилди). Олинган маълумотларига кўра, инсулин қабул қилмайдиган катта ёшдаги (30 ёшдан юқори) ҚДли беморларнинг 60 фоизида 25 йилдан кейин ретинопатия қайд этилган, бунда уларнинг 10 фоизида – пролифератив шаклда. ҚДнинг оғир кечиши туфайли инсулин олган катта ёшдаги беморларнинг 80% дан ортиғи 15 йилдан кейин ретинопатияни орттирган, уларнинг 10 фоизи – пролифератив шаклда. 20% дан ортиқ беморларда 2-турдаги ҚД аниқланган пайтда ретинопатия ривожланаётган бўлган. Деярли 100% 1-тур ҚДли беморларда ретинопатия 15 йилдан кейин бошланган, улардан 25% ида пролифератив шакл қайд этилган. 2-турдаги ҚД 1-турдаги ҚДга қараганда кўпроқ тарқалганлиги боис ушбу касалликни 20 ёшдан 74 ёшгача бўлган беморларда кўрликнинг асосий сабаби деб ҳисоблаш мумкин (Бахритдинова Ф.А. ва бошқ., 2014; Бердикулова Д.М., 2012; Исмаилов С.И., 2012; Камиллов Х.М. ва бошқ., 2008; Каримова М.Х., Рузимова Н.Э., 2014).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–3039-сон «Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чоратадбирлар тўғрисида» от 7 июня 2017 г. қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрининг туман марказий кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалари, шунингдек, уларда фаолият юритаётган раҳбарлар ва мутахассисларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган: аҳолига энг кўп учрайдиган касалликларни профилактика қилиш ва даволаш бўйича алоҳида беморлар ҳамда бутун оила даражасида тиббий хизматлар кўрсатиш; оилада тиббий маданиятни ошириш ва ҳар бир кишининг ўз саломатлиги ва болалари саломатлиги учун масъулиятини оширишга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш; юқумли бўлмаган касалликларга чалиниш хавф омилларини эрта аниқлаш механизмларини татбиқ этиш орқали аҳоли ўртасида касалликка чалиниш, ногиронлик ва эрта ўлим ҳолатларини профилактикалаш.

Шу билан бирга ДР оқибатида ногиронланиш муаммоси етарлича ўрганилмаган, ушбу тоифа ногиронлари пайдо бўлишини бирламчи ва такрорий ногиронликни ҳисобга олиб ўрганиш, шунингдек, мазкур тоифадаги шахсларда бундай асоратлар олдини олиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш мамлакатимизда амалга оширилмаган.



**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 03.191 01980006703-сон «Катталар ва болаларда туғма ҳамда орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикаlash усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасиги мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда қандли диабетли беморларда офтальмологик асоратлар олдини олиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган рационал менежмент концепцияси ва тадбирлар мажмуасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

10 йиллик давр (2003–2012) учун мурожаатлар бўйича ҚД оқибатида кўриш қобилияти бўйича ногиронлик даражаси динамикаси ва тузилмасини ўрганиш ҳамда унинг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш;

ҚДли беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилишнинг мавжуд моделини ДРнинг олдини олиш, унинг муаммоли томонлари ва кўриш қобилиятининг йўқотилиши олдини олиш бўйича салоҳиятли имкониятларни баҳолаш;

умумий амалиёт шифокорлари, шифокор-эндокринологлар ва шифокор-офтальмологларни анкеталаш усули ёрдамида ДРни коррекциялашнинг замонавий усуллари ва ҚДли беморлар кўриш қобилиятини йўқотишининг олдини олиш имкониятлари ҳақида уларнинг ахборотга эгаллик ва бу борадаги билимларининг амалиётда қўллай билиш даражасини баҳолаш;

тиббий ҳужжатлар ҳамда беморларни тиббий-ижтимоий текшириш карталарининг эксперт таҳлили, шунингдек, беморларни анкеталаш ёрдамида ДРнинг олдини олиш ва коррекциялаш юзасидан даволаш ва профилактик тадбирларнинг тўлиқлик даражасини баҳолаш;

бир қатор омиллар: кўшимча касалликлар (гипертония, атеросклероз), ёш, диабет стажи, ҚД неча ёшда бошлангани, ҚД компенсацияланганлиги даражасига боғлиқ ҳолда лазерли коагуляция самарадорлигини аниқлаш;

кўрлик хавф соладиган ДРли беморлар гуруҳини аниқлаш ҳамда турли беморлар тоифалари учун дори-дармонли коррекция (фенофибрат ва бошқалар билан) ёки ДРнинг лазерли коагуляцияси учун табақалаштирилган кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

офтальмодиабетологик хизматнинг изчиллиги ва умумий амалиёт шифокорлари билан интеграциясини яхшилаш орқали офтальмодиабет асоратлари олдини олишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҚДли беморларнинг кўриш қобилиятини йўқотиши билан боғлиқ ДРли контингент томонидан давлатга етказиладиган ижтимоий-иқтисодий зарарни баҳолаш ҳамда тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ҚД ва унинг офтальмологик асоратлари олдини олишни такомиллаштириш бўйича

таклифларнинг жорий этилиши билан боғлиқ иқтисодий самарани ҳисоблаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК)нинг қандли диабетли беморлар бўйича 4518 та далолатномалари ҳамда касалликнинг офтальмологик асоратлари натижасида ногиронланган 355 нафар шахсларнинг гувоҳлаш далолатномалари таҳлили; Тошкент шаҳридаги поликлиникаларида фаолият юритаётган 711 нафар шифокорлар ва 534 нафар ҚДли беморлар, шунингдек, шаҳар клиникаларида текширувдан ўтган ёки даволанаётган 97 нафар офтальмодиабетли беморларнинг анкета сўрови маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб ТМЭКнинг ногиронликни гувоҳлаш далолатномалар маълумотлари, сўров-анкеталаш натижалари, тўрпарда лазер коагуляцияси (ТЛК) курсидан ўтган ДРли беморларнинг амбулатор карталаридаги маълумотлар, шунингдек, офтальмологик текширишлар, умумий клиник ва лаборатория таҳлили текширувлари натижалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда нусха олиш, таҳлилий, социологик (анкетали сўров), эксперт, иқтисодий, прогностик, клиник, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қандли диабетда кўриш қобилятининг йўқотилиши оқибатида ногиронликнинг шаклланиши ўрганилган ва ногиронланиш даражаси юқорилигининг сабаблари аниқланган;

ССББда офтальмодиабет ва унинг асоратлари олдини олиш менежментининг мавжуд тизими самарадорлиги ҳамда замонавий технологиялари зарурати аниқланган;

ССББ тизимида мутахассисларнинг, айниқса, умумий амалиёт шифокорлари учун қандли диабетли беморларда офтальмодиабет асоратлари ва кўрланишнинг олдини олиш мезонлари ишлаб чиқилган;

илк бор қандли диабетли беморларнинг кўриш аъзолари диабетик зарарланишга мойиллиги ва бутунлай кўр бўлиб қолиш хавфи баҳоланган;

офтальмодиабет асоратлари оқибатида кўриш қобилятини йўқотиш хавфи омиллари ва беморларнинг тегишли хавф гуруҳлари белгиланган ҳамда диабетик ретинопатияда профилактика чораларини ўтказишда ўз вақтида персоналлаштирилган ёндашув олиб борилиши зарурати исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

рационал ДР менежменти концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, уларга ҚД ташхисланган беморларнинг офтальмолог томонидан ДР бор-йўқлиги ва унинг тўлиқ тавсифини олиш бўйича эрта текширилиши асосланган;

кўриш қобилятининг йўқотилиш хавфини баҳолаш учун ДР асоратлари хавф омилларини идентификация қилиш хавф гуруҳларини ажратиш орқали ҚДли беморларнинг кўриш аъзолари ҳолатини динамик назорат қилишни

ташқиллаштиришда кўрсатмалар бўйича ДР асоратларининг табақалаштирилган консерватив ёки оператив профилактикаси такомиллаштирилган;

ногиронликни меҳнат қобилиятининг тўлиқ ва узил-кесил йўқотилиши босқичида эмас, балки меҳнат реабилитацияси имкониятлари сақланиб қоладиган босқичда белгилаш учун ДРли беморлар меҳнат қобилиятини аниқлаш мезонлари такомиллаштирилган;

ҚДли беморларга офтальмологик асоратларнинг хавфи ҳамда даволанишга комплаентликни ошириш мақсадида уларнинг олдини олиш чоралари муҳимлиги ҳақида ахборот бериш тизими ишлаб чиқилган;

кўриш қобилиятининг йўқолиши хавф соладиган беморларни ажратиш учун ДР асоратлари хавф омиллари ишлаб чиқилган;

ССББ мутахассисларининг (умумий амалиёт шифокорлари, офтальмологлар, эндокринологлар) ҚДли беморларнинг кўриш аъзолари ҳолатини имкон қадар эрта текшириши зарурлиги, ДРни динамик назорат қилишнинг аҳамияти, офтальмодиабет асоратларнинг олдини дори-дармонли ва оператив олишда мақбул усуллар самарадорлиги ҳақида ахборотга эғалиги даражасини ошириш зарурлиги кўрсатилган;

ҚДли беморларга офтальмологик асоратларнинг хавфи ҳамда даволанишга компламентликни ошириш мақсадида уларнинг олдини олиш чоралари муҳимлиги ҳақида кўпроқ ахборот бериш зарурлиги асосланган;

ДР мақбул вариантда непролифератив ДР бўлган беморларга фенофибрат билан консерватив профилактиканинг табақалаштирилган тактикаси, ДР номақбул вариантда пролифератив ДР бўлган хавф гуруҳидаги беморларга оператив даволаш тўрпарданинг лазерли коагуляцияси, витреоретинал аралашувлар таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ижтимоий-гигиеник, тиббий-статистик, клиник, тиббий-ижтимоий ҳамда статистик тадқиқот усулларнинг объектив кўрсаткичлари билан исботланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, мамлакатимизда 2002–2012 йилларда ҚД натижасида кўриш бўйича ногиронланиш шаклланиши хусусиятлари кўрсатилди, бу соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари учун офтальмодиабет оқибатида ногиронлик ривожланишининг олдини олиш ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқишда ахборот базаси сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлар ҚД офтальмологик асоратларини ўз вақтида аниқлаш, уларни олиб бориш тактикасини белгилашда самарали натижаларни қўлга киритишга ёрдам беради ва бу, ўз навбатида, даволаш сифатини ошириш ва ногиронланишни камайтириш, мазкур тоифа беморларнинг турмуш сифатини кониқарли даражада сақлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қанд касаллигида

кўрланиш натижасида ногиронликнинг олдини олишда тиббий ёрдамни ташкил этиш ва профилактик чораларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Амбулатор-поликлиника бўғинида диабетик ретинопатия билан хасталанган беморларни олиб бориш ва эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилди ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 30 сентябрдаги 8н-д/59-сон маълумотномаси). Натижада қанд касаллиги ва унинг офтальмологик асоратлари мавжуд беморларни бирламчи бўғин даволаш-профилактикаланиш муассасаларида умумий амалиёт врачлари томонидан кузатиш учун ташхислаш ва профилактика алгоритми офтальмодиабет орқали ногиронликни камайтириб, йилига 52 миллион сўмгача иқтисодий самарадорликни таъминлаш имконини берди;

диабетик ретинопатия сабабли кўрланиш натижасида ногиронликнинг олдини олиш учун тиббий ёрдамни ташкил этиш ва профилактик чораларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 50-сон оилавий поликлиника, Тиббиёт санитария бирлашмасига қарашли 2-сон марказий поликлиника амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 19 январдаги 8н-з/6-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши турмуш сифатининг жиддий ёмонлашиши ва ногиронланиш сабаби бўлмиш диабетик ретинопатия ривожланишини барвақт аниқлаш ва назорат қилиш имконини беради. Таклиф этилган даволаш-ташхислаш алгоритми самарадорлиги 17,5% га юқори бўлиб, ногиронликни белгилаш вақтини 2 баравар кечиктириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қандли диабет оқибатида ногиронланиш эпидемиологияси, даволашнинг замонавий мезонлари, тиббий ёрдамни ташкил қилиш ва диабетик ретинопатия асоратларининг олдини олиш»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи асосида ҚДнинг офтальмологик асоратлари муаммоси, тарқалганлик даражаси, мавжуд ташхислаш, скрининг усуллари, замонавий даволаш принциплари таҳлил этилган, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш, етказиладиган иқтисодий зарар ўрганилган.

Диссертациянинг **«Қандли диабет оқибатида ногиронланишнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирларни ташкиллаштиришни баҳолаш методологияси ва баҳолаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида икки қисмдан иборат тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган.

Ижтимоий-гигиеник қисм 3 босқичдан иборат:

1. Нусхалаш ва статистик усулларда 2003–2012 йилларда қандли диабетнинг офтальмологик асоратлари (ҚДОА) бўлган беморлар (умумий соматик касаллик бўйича ногиронлик) бўйича Тошкент шаҳар ТМЭКнинг 5518 та бирламчи ва такрорий далолатномалари, шунингдек, ҚДОА натижасида ногирон шахсларни текшириш бўйича 355 та далолатнома ялпи таҳлил қилинди. Беморларнинг ёши 17–78 ёш. Жинси бўйича тақсимот қуйидагича: эркаклар – 205 нафар (58,9%), аёллар – 143 нафар (41,1%). ҚДнинг 1-чи ва 2-чи турларидан азият чекаётган ногиронлар нисбати тегишлича 13% ва 87% ни ташкил этди. Бунда Тошкент шаҳри аҳолисининг ўртача йиллик сони ўрганилаётган даврда – 2269,5 минг кишига тенг бўлган.

2. ДРли беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини баҳолаш ва ўрганиш мақсадида тошкент шаҳридаги 60 га яқин шаҳар поликлиникалари (оилавий, марказий) ва шаҳар эндокринология диспансерида фаолият юритаётган 711 нафар врачларнинг фикри сўровнома усулида ўрганилди. Респондентлар гуруҳини меҳнат стажи 7 ойдан 42 йилгача бўлган умумий амалиёт шифокорлари (82,8%), эндокринологлар (9,6%) ва офтальмологлар (7,6%) ташкил этди.

Шунингдек, ушбу тадқиқот жараёнида шаҳар клиникаларида даволанаётган ҚД ёки анамнезида ДР бўлган 534 нафар беморда ҳам сўровнома ўтказилди. Сўровнома ўтказилганлар беморлар орасида 12,6%и

ҚД 1-тур ва 87,4%и ҚД 2-тур; 73% беморлар Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, қолганлари (27%) Тошкент вилояти ва республиканинг бошқа регионларидан.

3. Беморларнинг амбулатор тиббиёт карталарига асосан эксперт ва статистик усулларда ДРнинг олдини олиш бўйича тадбирларнинг тўлиқлиги таҳлил этилди ва баҳоланди. Тадқиқотнинг мазкур босқичида қўйилган вазифани ҳал қилиш учун мутахассислиги бўйича камида 15 йиллик стажга эга 4 та мустақил эксперт-офтальмолог, олий тоифа мутахассислар жалб этилди, улардан 2 нафари – тиббиёт фанлари номзоди. Экспертлар икки кишидан икки гуруҳга ажратилди, ҳар бир жуфтлик 52 тадан амбулатор карталарни кўриб чиқишди, кейин карталар билан алмашилишди. Натижада ҳар бир мутахассис 104 та картани кўриб чиқди ҳамда хулосаларнинг коллегиялиги таъминланди.

Клиник қисм 2 босқични ўз ичига олди:

1. Беморларнинг умумий аҳволига боғлиқ ҳолда ЛКС самарадорлигининг ретроспектив таҳлили. Амбулатор беморларнинг 38 та индивидуал картаси ўрганилди, улар умумий ҳолатнинг компенсацияланганлиги даражасига боғлиқ ҳолда 2 гуруҳга тақсимланди: 12 нафар бемордан иборат беқарор гуруҳ (24 та кўз), компенсацияланган гуруҳ – 26 нафар бемор (52 та кўз). Биринчи гуруҳга бутун кузатув даврида барқарор гликемия кўрсаткичи ( $HbA1c \leq 8,0\%$ ), компенсацияланган артериал босим ( $\leq 130/80$  мм. с.у.)га эга беморлар киритилди; улар орасида семизликдан азият чекаётган беморлар бўлмади. Юқоридаги мезонларга мос келмайдиган бошқа барча беморлар иккинчи гуруҳни ташкил этди. Бир ой давомида беморларга ЛКС ўтказилди: тўр парда коагуляциясини ўтказиш усули, сеансларнинг зарур ҳажми ва сони лазер жарроҳлар томонидан белгиланди.

2. Проспектив таҳлил 97 нафар бемор қамраб олинди, улар 2 гуруҳга ажратилди (65 нафар – 130 та кўз – асосий гуруҳ; 32 нафар – 64 та кўз – қийслаш гуруҳи). Асосий гуруҳдаги беморлар бир кунда бир марта фенофибрат (трайкор 145 ёки липидекс SR, 250 мг), назорат гуруҳи кузатувда бўлган. Иштирокчилар қайта кўриқдан 13 ойдан кейин ўтказилди. Ҳамма беморлар метаболик синдром фонида кечадиган ҚДдан азият чекади (ташхис бешта мезондан учтаси бўлганда қўйилади). Иккала гуруҳдаги беморларнинг дастлабки ташхиси – жиддий асоратларсиз нoproлифератив ДР.

Барча беморларга стандарт офтальмологик текшириш усуллари қўлланилди, уларга коррекцияли визиометрия, тонометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, А- В-сканерлаш, компьютер периметрия, оптик когерент томография киради. Шунингдек, эндокринолог, терапевт ва бошқалар билан маслаҳатлашув асосида умумий клиник ва лаборатор текширувлар ўтказилди.

Натижаларга статистик ишлов бериш EXCEL тўпламда ишлаб чиқилган вариацион статистика усулида олиб борилди, унда ўртача арифметик


қийматлар (M), уларнинг стандарт хатоликлари (m), ишончли интерваллар ( $\sigma$ ) ва Стьюдентнинг t мезони бўйича ишончли фарқлар ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг «Қандли диабет оқибатида кўриш бўйича ногиронланиш эпидемиологияси» деб номланган учинчи бобида ҚДнинг офтальмологик асоратлари оқибатидаги ногиронланиш хусусиятлари баён этилган.

Асосий тиббий-ижтимоий ногиронлик кўрсаткичлари Тошкент шаҳри ТМЭЖнинг 2003–2012 йиллардаги (тўлиқ) ўн йиллик давр учун материаллари ўрганилди. Кузатув бирлиги – кўриш аъзосидаги ўзгаришлар билан асоратланган ҚД оқибатида ногирон деб биринчи марта ва такроран тан олинган шахслар. Кузатув танлаб олинган ҳудудда ялпи тартибда ўтказилди.

Тадқиқот натижаларига кўра биринчи марта ногирон деб тан олинганлар (БМН) сони катта эмас – 2003 йилда 35,4% (17 нафар), 2010 йилда 29,2% (7 нафар). Бу ўртача йилига 12–13 нафарни ташкил этади, 10 йил давомида 125 нафар бемор ногирон деб тан олинди. Такроран тан олинган ногиронлар (ТТН) сони бирмунча кўпроқ. 2003 йилда 31 нафар (65,6%) бемор такроран ногирон деб тан олинди, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 51,6% гача (16 нафар) камайди, ўртача ҳисобда йилига 22 нафарни ташкил этди. 10 йил учун БМН ўртача салмоғи – 35,9%, ТТН – 64,1%, бу биринчи марта тан олинган ногиронлар сонидан 1,8 баравар юқори.

Тошкент шаҳрида ҚДОА оқибатида умумий ногиронлик даражаси юқори эмас: 2003–2006 йилларда 100 минг аҳолига 2,3–2,0 атрофида бўлиб, 2009 йилга келиб аста-секин 0,9 гача камайди; 2012 йилга келиб ногиронлар сони 1,1 гача ошди; ўртача ҳисобда, ўрганилаётган даврда бу кўрсаткич 100 минг аҳолига 1,5 ни ташкил қилди (1-расм).



1-расм. Тошкент шаҳрида 10 йиллик даврда офтальмодиабет оқибатида ногиронланиш даражаси динамикаси.

Бундай пасайиш иккита омил билан изоҳланса, мантиқан тўғри бўлади: бир тарафдан, бирламчи ва иккиламчи ҚДОА профилактикаси самарадорлигининг ошиши, бошқа тарафдан (кўп жиҳатдан) мамлакатда тиббий-мехнат экспертизасидан ўтаётган шахсларни текшириш тизимининг тартибга солинаётганлиги.

Гуруҳни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилганда БМН даражаси ТТНга қараганда юқори: ўртача 100 минг катта ёшдаги аҳолига нисбатан 1 гуруҳ ногиронлик даражаси 0,07 ни, II гуруҳ – 0,02 ни, III гуруҳ – 0,01 ни ташкил қилди, такрорий ногиронликнинг ҳаммаси – 0,1.

Бирламчи ногиронликда III гуруҳ йўқ, II ва I гуруҳдан 0,03 дан, ўртача 100 минг катта ёшдаги аҳолига 0,06 га тенг. Шундай қилиб, ногиронликнинг умумий даражаси юқори эмас, бироқ таъкидлаш жоизки, ногиронликнинг оғир – I ва II гуруҳлари кўпроқ, жумладан, биринчи марта ногирон бўлганлар орасида.

Шундай қилиб, офтальмодиабет оқибатидаги ногиронлар сони унчалик кўп эмаслигига қарамай, айнан улар оғир ногиронлик гуруҳларини шакллантирадиларки, бундай ногиронларни даволаш ва реабилитация қилиш ниҳоятда мураккаб, баъзан умуман иложсиз. БМНлар орасида оғир гуруҳдаги ногиронлар сонининг кўплиги, биринчи галда, ТМЭК экспертларининг бир тарафлама ёндашуви билан изоҳланади – улар ногиронликни белгилашда асосий мезон сифатида кўриш ўткирлигини олиб, умуман, кўриш аъзоси ҳолати, кўриш қобилиятини сақлаб қолиш ёки реабилитация истиқболларини ҳисобга олишмайди.

Ногиронлик даражаси, шунингдек, турли ёш гуруҳларида ҳам таҳлил этилди: ёшлар (18–44 ёшдаги эркаклар ва аёллар), ўрта ёш (45–49 ёшдаги эркаклар, 45–54 ёшдаги аёллар) ҳамда пенсия ёши (60 ёшдан катта эркаклар ва 55 ёшдан катта аёллар). Д.Боуг томонидан таклиф қилинган ва В.А.Циганков, С.Л.Жаркова (2009) томонидан таърифланган таснифдан фойдаланилди.

Ногиронланишнинг ёш бўйича тузилмаси таҳлилига кўра бирламчи тан олинган ногиронлар орасида ёшларнинг сони нисбатан кам, салмоғи – мазкур тоифадаги шахсларнинг умумий йўқлигидан тортиб, 6,3–10% гача; 10 йил учун ўртача умумий сон – 3,1%. Ўрта ва пенсия ёшидаги ногиронлар сони тахминан бир хил бўлиб чиқди. Ўрта ёшдаги шахсларнинг салмоғи 2005 йил 18,7%, 2009 йилда 71,4 фоизгача, умумий сондан ўртача – 46,5%. Пенсия ёшидагилар орасида салмоқ 28,6–81,3% атрофида ўзгариб турди ва ўртача умумий сондан 50,4% ни ташкил қилди.

Такрорий ногиронланиш тузилмаси биринчи марта тан олинган ногиронликдан бирмунча фарқ қилади. Ўрта ёшдагилар сони кўпроқ учрайди – салмоғи 41,2–66,6% гача ўзгариб, ўртача 10 йил учун 52,2% ни ташкил қилади. Бирламчига қараганда ёш ногиронлар сони кўпроқ (6,6 марта) – умумий сондаги салмоғи 20,3%. Бу шу билан изоҳланадики, ушбу ёш сегментини 1-турдаги ҚДли беморлар ташкил қилади, уларда касаллик эрта



аниқланади ва улар болаликдан ногирон ҳисобланади. Пенсия ёшидаги шахсларнинг салмоғи 2008 йилдаги энг кам даража – 14,3% дан 2011 йилдаги энг юқори даража – 37,5% гача, ўртача – умумий сондан 27,2%.

Экспертиза далолатномалари ўрганилганда 1-турдаги ҚДда 100% ҳолатда етакчи ногиронлантирувчи патология – ДР, 2-турдаги ҚДда 86,1% ногиронларда ДР устунлик қилади, 13,9% беморларда эса катаракта асосий омилдир (1-жадвал).

1-жадвал

**Турли типдаги ҚДда офтальмологик асоратлар оқибатидаги ногиронликнинг клиник-эпидемиологик тавсифи**

Клиник тавсиф	Қандли диабет	
	I тур	II тур
Экспертизада ногиронлик гуруҳи белгиланди:	1–30,8%	1–44,78%
	2–57,3%	2–49,25%
	3–11,9%	3–5,97%
Етакчи ногиронлантирувчи патология:		
Ретинопатия	100%	86,1%
Катаракта	0%	13,9%
Беморларга даволаниш олиб борилди:		
Лазеркоагуляция	16,7%	1,3%
Витрэктомия	1,1%	5,22%
Катаракта экстракцияси	–	9,13%


Ногиронларни ҚД типига қараб гуруҳларга тақсимлаш қуйидагича амалга оширилди: 1-турдаги ҚД: 30,8% беморларга 1-гуруҳ, 57,3% беморларга – II гуруҳ, 11,9% – III гуруҳ ногиронлиги белгиланди. 2-турдаги ҚД: 44,78% – I гуруҳ, 49,25% – II гуруҳ ва фақат 5,9% ҳолатда – III гуруҳ ногиронлиги. Шундай қилиб, ҚД типидан қатъи назар, аксарият беморларга I ва II гуруҳлар ногиронлиги, яъни нафақат меҳнат қобилиятининг жиддий чекланиши, балки турмуш сифатининг ҳам пасайишига олиб келадиган оғир даражали ногиронлик белгиланади.

Инсулинга боғлиқ (1-тур) ҚДли шахслар орасида 16,7% ҳолатда тўр парда лазеркоагуляцияси ўтказилди, 1,1% ногиронларда витрэктомия бажарилди, ТЛК уларнинг ҳаммасида олдин қилинмаган. Инсулинга боғлиқ бўлмаган (2-турдаги) ҚДли беморларда 1,3% ҳолатда тўр парда ТЛКси ўтказилди, 5,22% шахсларда – анамнезда витрэктомия, 9,13% да – катаракта экстракцияси. Шундай қилиб, тўр парда ЛКси курсини олган ногиронларнинг умумий сони жуда кам.

Ногиронланишнинг чуқур таҳлили шуни кўрсатдики, 94% дан ортик ҳолатда ҚДОА оқибатидаги ногиронликка экспертизадан ўтган шахсларга I

(66%) ва II (29%) гуруҳ ногиронлиги белгиланди, бу беморларнинг оғир ногиронлигидан далолат беради. Бундай тенденция бутун ўрганилаётган давр давомида кузатилди, 2008, 2009, 2011 йилларда эса учинчи гуруҳ ногиронлиги умуман белгиланмаган.

Охирги феномен қатор омиллар билан изоҳланади: биринчидан, мазкур гуруҳ учун моддий нафақалар ва имтиёзларнинг йўқлиги, бу гувоҳлантиришдан ўтаётган шахслар учун катта роль ўйнайди; иккинчидан, ТМЭК бундай ҳолларда беморларга қўшимча даволанишдан ўтишни тавсия қилади; учинчидан, кўриш бўйича ногиронлик гуруҳини белгилашда асосий мезон сифатида кўриш ўткирлиги олинади. ҚД, кўриш аъзосининг яққол ифодаланган ўзгаришларида тўр парданинг марказий зонаси сақланса, кўриш даражаси юқориликча сақланиб туради ва, одатда, ногиронлик белгиланмайди. Бундай ҳолларда беморга умумий соматик касаллик бўйича экспертизадан ўтиш тавсия этилади, унда ҚДОАга қўшимча патология сифатида қаралади. Тиббий ижтимоий экспертиза карталари таҳлиliga кўра ҚД оқибатида ногиронлик белгиланган ва офтальмологик асоратлар кузатилган 4518 нафар беморларнинг 60% ида непролифератив ДР ташхисланган (2-расм). Айти пайтда, 30% беморларда касаллик пре- ва пролифератив ДР билан асоратланган, аммо у ногиронликнинг асосий сабаби сифатида тан олинмади ва бу юқоридаги тахминларимизни тасдиқлайди. ТМЭК экспертизаси бўйича ишларни чуқур ўрганиш натижасида 11,5% беморларда кўриш аъзосида ҚД билан боғлиқ яққол ўзгаришлар борлиги аниқланган, аммо асосий ташхис сифатида қаралмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари 3,7% ҳолатда офтальмодиабет бўйича умумий соматик ҳолат бўйича белгиланган гуруҳга қараганда оғирроқ гуруҳ ногиронлик белгиланиши лозим эди.



■ Диабетик ангиопатия ■ Непролифератив ДР □ Препролифератив ДР □ Пролифератив ДР

**2-расм.** Ногиронларни ҚДОА турига қараб тақсимлаш.

Шундай қилиб, сўнгги ўн йилларда ногиронликни белгилаш мезонларининг қатъийлаштирилиши, бир тарафдан, ногиронлар сонининг камайишига, иккинчи томондан, улар таркибининг оғирлашувига (1 ва 2-

гуруҳларнинг устунлиги), реабилитация қилиш имкониятларининг тамомила йўқотилишига олиб келди.

Яъни бюджетнинг ҚДОА бўйича ногиронларга харажатларини камайтириш нияти тескари натижа берди – мутлақо меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар сонини кўпайтирди. Тегишлича, реабилитация қилиш мумкин бўлган босқичда меҳнатга қобилиятсизликни белгилашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш қатъий талаб этилади.

Диссертациянинг «ҚДОАли беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг ҳозирги пайтда амалдаги ҳажми ва сифати ҳамда уни баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида ССББ шифокорлари фаолияти уч гуруҳ мутахассислар: умумий амалиёт шифокорлари, эндокринологлар ва офтальмологлар ўртасида анкета сўровини ўтказиш йўли билан таҳлил этилди. 711 нафаридан (71,1%) жавоб олинди. Сўров натижаларига кўра (2-жадвал) УАШларнинг ярмидан ками (43,5%) ҚД биринчи марта аниқланган беморларни фақат беморда тегишли шикоятлар пайдо бўлгандагина офтальмологик текширувга юборади. Ваҳоланки, эндокринологлар ҳам, офтальмологлар ҳам (тегишлича 78,7% ва 89,9%) офтальмологик текширувларни зудлик билан бошлайдилар.

2-жадвал

### Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиникалар шифокорларини анкета сўровидан ўтказиш натижалари

Ўрганилаётган масала	Умумий амалиёт шифокорлари	Эндокринологлар	Офтальмологлар
ҚД биринчи марта аниқланганда офтальмолог кўриги қачон ўтказилади:			
✓ зудлик билан	34,8%	78,7%	89,9%
✓ шикоятлар пайдо бўлганда	43,5%	15,9%	9,6%
✓ режали диспансеризацияда	21,7%	5,4%	0,5%
ҚДли беморлар қандай даврийликда текширилиши керак:			
✓ бир йилда бир марта	45,1%	17,7%	12,8%
✓ ҳар олти ойда бир марта	35,1%	23,8%	21,1%
✓ шифокор-офтальмолог томонидан белгиланади	19,8%	58,5%	66,1%
Кўриш аъзосида жиддий бузилишлар бўлган бемор мурожаат қилганда бу:			
✓ беморнинг хабардор эмаслиги оқибати	21,8%	43,3%	49,5%
✓ беморнинг шифокор кўрсатмаларини бажармаслиги оқибати	78,2%	56,7%	50,5%
ДРни даволаш ва олдини олишнинг қайси усулларини беморларга тавсия этасиз?			
✓ дори-дармонли	78,8%	45,4%	23,2%
✓ лазерли жарроҳлик (ТЛК)	16,3%	45%	58,4%
✓ витреоретинал жарроҳлик	4,9%	9,6%	18,4%

Худди шундай вазият ҚДли беморларни текшириш даврийлигини белгилашда ҳам кузатилади. Аксарият УАШларнинг фикрича, ДРли бемор бир йилда бир марта (45,1%) ёки ҳар олти ойда (35,1%) текширувдан ўтиши кифоя, ваҳоланки, мантиқан буни бевосита офтальмолог белгилаб бериши керак (66,1%), эндокринологлар ҳам бунга қўшиладилар (58,5%). Беморда кўриш аъзоси томонидан асоратлар бўлса, терапевтларнинг фикрича, бунга беморларнинг ўзи сабабчи (78,2%), чунки улар шифокорлар кўрсатмаларини бажармайдилар. Тор мутахассислар – эндокринологлар ва офтальмологларнинг муаммога ёндашуви бошқача, уларнинг катта қисми ҚДли беморларни ўз вақтида текширади, беморларнинг кеч мурожаат қилиши сабабини эса (49,5% ҳолатда) ССББ шифокорларининг қониқарсиз иши билан боғлайди.

Сўров натижаларининг кўрсатишича, оилавий шифокорлар деярли 80% ҳолатда аввалгидек дори-дармонли терапияга кўпроқ аҳамият берадилар (эмоксипин, тауфон ва бошқалар, уларнинг самарадорлиги исботланмаган) ва уларни бошқа даволаш турларидан устун қўядилар. Офтальмологларда вазият бошқача – уларнинг аксарият сони беморларни лазер ва витреоретинал жарроҳликка юборади (58,4% ва 18,4%). Бироқ улар ДРнинг турли босқичларида консерватив даволашдан ҳам анча фаол фойдаланадилар. Шундай қилиб, ССББ ишини анча қониқарсиз деб тан олиш керак, буни анкета сўровлари натижалари, шунингдек, тор мутахассислар ва беморлар фикри ҳам тасдиқлайди: беморларни ўз вақтида текширмаслик, уларга етарлича ахборот бермаслик, беморларнинг шифокор кўрсатмаларига риоя қилмаслиги билан бир қаторда ҚДОАнинг эрта ривожланишига ва охир-оқибат кўрлик ва ногиронликка олиб келади.

ҚДОАли беморларнинг (ҚД туридан қатъи назар) анкета сўрови кўрсатишича, сўралганларнинг 70 фоизи офтальмолог кўригидан мунтазам ўтиб туриши кераклиги, ҚД кўзларга асорат бериши мумкинлиги, шунингдек, профилактика тадбирларини ўтказиш кераклигидан хабардор эмас. Ваҳоланки, таъкидлаш жоизки, 1-тип ҚДли беморлар орасида хабардорларнинг сони кўпроқ, бу касалликнинг анча эрта аниқланиши ва тегишлича «диабетик стаж»нинг каттароқлиги, шунингдек, давлат томонидан болаларга эътиборнинг кучлироқлиги билан боғлиқ. Бу ССББ шифокорлари ва диабет мактабларининг фаолияти ҳам, оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ҳам уларнинг хабардорлигини оширишдаги ролини тасдиқлайди. Шунингдек, офтальмолог-шифокорларга ташрифлар частотаси ҳам муҳим аҳамиятга эга – 55% дан ортиқ беморлар ярим йилда бир марта ёки ундан ҳам тез-тез текширувдан ўтади. Беморларнинг ушбу гуруҳида 83,3% шахслар ташхис қўйилганига анча пайт бўлганига қарамай, кўриш ўткирлигининг бироз пасайганини қайд этишди, бунда офтальмодиабетнинг оғир шакли бирор марта ҳам кузатилмади. 2-тур ҚДли беморлар ўртасида сўралганларнинг фақат учдан бир қисми (22%) ДР ҳақида тасаввурга эга бўлиб, бироқ турли сабабларга кўра шифокорлар

тавсияларига риоя қилишмаган. Фақат 7 нафар бемор (12%) (асосан, пойтахт аҳолиси) окулист кузатувида бўлган ва уларга тўр парданинг лазерли коагуляцияси ўтказилган.

ҚДли беморлар билан анкета сўровини ўтказиш натижаларидан кўришиб турибдики, ССББ ДПМларида ҚДли беморлар ўзлари муҳтож бўлган ва мавжуд хавф-хатарлардан келиб чиқиб, ўзлари кутаётган тиббий ёрдамни олишмаяпти. Бу, биринчи навбатда, асоратларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларига тегишли, бундан ташқари дастлабки мойиллик берувчи ўзгаришлар пайдо бўлиши босқичида – уларни бартараф этиш бўйича фаол ҳаракатларга тааллуқли. Ижтимоий омилларни таҳлил қилиш ҚДли беморлар орасидан офтальмологик асоратлар хавфи юқори бўлган шахсларни аниқлаш имконини беради.

ССББдаги амбулатор-поликлиника муассасаларида ҚДОА профилактикасининг қанчалик муносиблиги юзасидан ўтказилган эксперт баҳолаш ушбу масала бўйича вазият анча танглигини кўрсатди. Кўриш қобилиятининг йўқотилиши олдини олиш бўйича тўртта муҳим вазифалардан бирортаси бўйича ҳам у ёки бу даражада муносиб ишлаётган шифокорлар сони 10% дан ошмайди. УАШларнинг фақат учдан бир қисмигина беморларга ҚД муаммосининг моҳияти, кўз учун хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш имкониятлари ҳақида гапириб беради. Уларнинг кўпчилиги (деярли 60 фоизи) бундай ишларга умуман эътибор бермайди. Фақат оз сондаги шифокорларгина бемор билан биринчи учрашувдаёқ офтальмолог билан ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилади ва ҚД биринчи марта аниқланган беморни текширувга йўллайди (8,1%) ҳамда кўриш азбоси ҳолати устидан мунтазам мониторингни йўлга қўяди (6,7%). Шифокорларнинг кўпи билан чорак қисми бу вазифаларни фақат қисман бажаради (15,4–26,7% гача). УАШларнинг аксарият қисми эса ушбу муҳим вазифага нисбатан умуман беписанд муносабат билдиради.

ҚДОА олдини олиш борасидаги ишлар оилавий ва туман поликлиникаларидаги шифокор-офтальмологларда бирмунча яхшироқ (аммо уларни ҳам қониқарли деб бўлмайди). Шифокорларнинг чорак қисмидан ҳам кам сони диабетиклар билан ҚДОА хавфи ва унинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини умуман олиб бормайди (15,9%) ёки қисман олиб боради (18,3%). Бунда шифокор-офтальмологларнинг учдан икки қисми ушбу муҳим иш билан умуман шуғулланмайди. Фақат 10% дан кам мутахассислар ҚДОАни эрта аниқлаш (9,2%) ва УАШ билан ҳамкорликда аниқланган хавф гуруҳи билан тизимли профилактика олиб бориш (6,7%) тарафдори. Кўз шифокорларининг ярмидан ортиғи (48–60% гача) бу иш билан умуман шуғулланмайди. Кўриш қобилиятининг йўқотилиши ҳақиқий хавф сола бошлаганда ҳам охириги имконият – ўз вақтида ТМЭЖга юбориш ва самарали меҳнат реабилитациясини ўтказишдир, бу вазифани фақат 13,3% шифокор-офтальмологлар бажармоқда, 28% эса фақат қисман

шуғулланмоқда, мутахассисларнинг ярмиси эса бу вазифага умуман эътибор бермайди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ССББ амбулатор-поликлиника муассасалари фаолиятида – ҳам УАШ, ҳам офтальмологлар фаолиятида профилактика ишлари деярли йўқ. Ваҳоланки, ҚДда кўз тузилмасидаги ўзгаришлар белгиларини ўз вақтини аниқлаш ниҳоятда долзарб вазифа ҳисобланади, чунки кечки босқичларда даволаш самара бермай қўяди. Муаммо шундаки, ДР ривожланишининг эрта босқичларида беморлар ҳали кўриш соҳасида ҳеч қандай камчиликларни ҳис қилмайдилар ва шунинг учун шифокорга мурожаат қилмайдилар. Демак, ҚДОА эрта белгиларини фаол аниқлаш зарур ва бунга фақат ҚДли беморларни тизимли мониторинг қилиш орқали эришиш мумкин.

Диссертациянинг «**Офтальмодиабетли беморларни даволаш мезонлари**» деб номланган бешинчи бобда ТЛК самарадорлигини беморнинг умумий аҳволига боғлиқ ҳолда баҳолаш, шунингдек, метаболик синдром билан асоратланган офтальмодиабетли беморларда ДР жадаллашувининг олдини дори-дармонлар билан олиш бўйича маълумотлар келтирилган. Ушбу тадқиқот жараёнида ТЛКнинг узок истиқболли самараси бевосита ТЛКдан олдин ва ундан кейинги 3–5 йилгача бўлган даврда кўриш ўткирлигини ўрганиш асосида баҳоланди (3-жадвал).

Биринчи кўриқда ҳар икки гуруҳда кўриш ўткирлиги ишончли фарқ қилмаган ( $p > 0,05$ ). Бироқ кўриш кўрсаткичларини динамикада ўрганиш куйидаги ўзгаришларни кўрсатди: стабил аҳволдаги беморларнинг компенсацияланган гуруҳида кўриш ўткирлиги гуруҳ бўйича дастлабки кўрсаткичдан ўртача 0,02 гача камайди (камайиш ишончли эмас,  $p > 0,05$ ). Бироқ ностабил қийслаш гуруҳи билан таққосланганда бу кўрсаткич 1,6 мартага ишончли юқори ( $p < 0,01$ ). Кузатув даврида 3 нафар беморда (4 та кўз – 7,7%) катаракта ривожланди, жарроҳлик йўли билан даволангандан кейин кўриш қобилияти дастлабки даражагача тикланди. Беш нафар беморда (7 та кўз – 13,5%) ДРнинг кучайиши, нопрлифератив ДРнинг пролифератив ДРга ўтиши кузатилди; 3 та кўзда (5,8%) – ўрта оғирликдаги макуляр шиш қайд этилди (кўришнинг жиддий ёмонлашишига олиб келмади).

3-жадвал

**ДРли беморларда ТЛК билан даволашдан кейин кўриш ўткирлигининг хавф омилларига боғлиқ ҳолдаги динамикаси ( $M \pm m$ )**

Кўриш ўткирлиги	Ностабил	Компенсацияланган	P
Бирламчи кўриқда	0,66±0,02	0,63±0,02	>0,05
Охирги ташриф	0,39±0,03	0,61±0,01	<0,001
